

*Ғойибназаров Баходир Каримович,
Кадарлар малакасини ошириш ва
статистик тадқиқотлар институти
директори и.ф.д., проф.
Норов Асрор Эгамбердиевич,
Бухоро давлат университети мустақил
изланувчиси.
Қаҳҳоров Отабек Сиддиқович,
иқтисодиёт фанлари бўйича PhD.*

ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТ НАТИЖАЛАРИНИ ТИЖОРАТЛАШТИРИШНИНГ МОҲИЯТИ

Мазкур мақолада инновацион фаолитни ривожлантириш ва унинг натижаларини тижоратлаштириш жараёни бошқичлари белгиланган, шунингдек, ҳозирги даврда республикамизда инновацияларни тижоратлаштиришнинг муайян усуллари, афзалликлари ва камчиликлари кўрсатилган.

В данной статье определены этапы процесса развития инновационной деятельности и коммерциализации ее результатов. Также представлены преимущества и недостатки некоторых методов коммерциализации инноваций в стране в настоящее время.

This article identifies the stages of the process of development of innovative activity and the commercialization of its results. The advantages and disadvantages of some methods of commercializing innovations in the country at present are also presented.

Жаҳонда инновацион фаолият ва уни тижоратлаштиришнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш асосида мазкур жараёни такомиллаштириш, янги техника ва технологияларни яратиш ва жорий этишнинг муҳимлигидан келиб чиқиб, инновацион фаолият натижаларини тижоратлаштиришнинг моҳияти ва унинг йўналиш ва истиқболларини ўрганиш ҳамда тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда [1].

Мустақиллик йилларида республикамиз иқтисодиётини ривожлантиришда инновацияларни яратиш ва кенг жорий этиш жараёнларига алоҳида аҳамият берилиб, бу борада кенг қамровли мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилди. Натижада мазкур соҳани муайян даражада ривожлантиришга эришилди. Ушбу йўналишда инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркалари ташкил этилди, давлат бошқаруви институтлари қайта ташкил

этилди, инновацияларни яратиш учун шарт-шароитлар яхшиланди ҳамда мазкур соҳадаги ҳуқуқий база яратилди. Ҳозирда илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, олий таълим муассасалари тузилмасида инновацион жамғармалар ва илмий-инновацион ишланмаларни тижоратлаштириш бўйича бўлинмалар ҳамда илмий ташкилотларнинг маркетинг бўлимларини қайта ташкил этиб, ихтисослаштирилган илмий-экспериментал лабораториялар, юқори технология марказлари ва технопаркларга айлантириш мамлакатни инновацион ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан биридир.

Инновацион иқтисодиётда янгиликларнинг энг муҳим манбалари, бу – инновацион фаолиятни амалга оширувчи ташкилотлардир. Ижтимоий – иқтисодий ривожланишда катта аҳамиятга эга бўлган ушбу ташкилотлар илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасалари билан биргаликда мамлакатнинг илмий - техник салоҳиятини ривожлантиришда иштирок этадилар. Инновацион соҳадаги корхоналар муносиб рақобат муҳитини шакллантириб, солиқлар орқали давлат бюджетини тўлдирадилар, мамлакатда инновацион фаолликни оширадилар, бандликни ва энг муҳими, иқтисодий ўсишни таъминлайдилар.

Мамлакатимизда илмий ва илмий-техникавий фаолиятни амалга ошириш, илмий-техникавий ва инновацион ривожланишни таъминлаш учун қулай шарт-шароитлар яратишда мавжуд молиявий ва моддий ресурслардан самарали фойдаланишни таъминлаш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Жумладан:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 августдаги “Илмий ва инновацион фаолиятни интеграциялаш тизимининг самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3899-сонли қарори билан Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги тузилмасига илмий-тадқиқот муассасаларининг илмий ишланмалари, технологиялари ва бошқа инновацион дастурларини тижоратлаштириш ва трансфер қилишни таъминлаш бўйича масъул бўлган вазир ўринбосари лавозими киритилди ҳамда Илмий ишланмалар ва технологияларни тижоратлаштириш ва трансфер қилиш бошқармаси ташкил этилди.

Шунингдек, ушбу қарор билан Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузурида юридик шахсни ташкил этмаган ҳолда, илмий ва илмий-техник фаолият натижаларини тижоратлаштириш Президент жамғармаси ташкил этилди [2].

Бироқ замонавий шароитда корхоналар самарали ривожланиши ва рақобатбардошлигини сақлаб қолиши учун инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқишнинг ўзи кифоя қилмайди, балки уларни бозорга чиқариш ҳам ўта муҳимдир. Шу билан бирга, инновацияларни бозорга чиқариш бўйича мавжуд

замонавий қарашларни ўрганиш тижоратлаштириш ва унинг иқтисодиётдаги ўрни бўйича **учта зиддиятни** аниқлашга имкон берди [3].

Биринчи зиддият тижоратлаштириш моҳиятига тегишли бўлиб, унда у замонавий юқори талабга эга янгиликларни ишлаб чиқиш эмас, балки инновацияларни бозорга сотиш, деб тушунилади.


Ушбу қарашга мувофиқ, янгиликка бўлган талаб эмас, унинг таклифи асосий ҳисобланади. Шундай қилиб, инновацияларнинг бозорда сотилиши уларнинг ишлаб чиқиш жараёнига бўйсунди. Инновацияларни тижоратлаштириш шаклини ўзгартириш улар тўғрисидаги назарий қарашларни талабга эмас, балки инновацияларнинг бозор таклифига яқинлаштириш, керакли янги ресурслар комбинациясини сотишни англатади.

Иккинчи зиддият тижоратлаштиришга микроиқтисодий даражада инновацияларни сотиш воситаси сифатида қарашдир. Ушбу фикр тўғри, аммо инновацияларни тижоратлаштириш жараёнининг моҳиятини ва унинг замонавий иқтисодиётни ривожлантиришдаги аҳамиятини тўлиқ акс эттирмайди. Натижада инновацияларни бозорда сотиш жараёни иқтисодиёт соҳасидаги олимларнинг тадқиқот доирасига кирмай қолади.

Учинчи зиддият тижоратлаштиришга ўзгармас статик жараён сифатида муносабат билан белгиланади. Бу ерда инновацияларни тижоратлаштириш бозор механизми бўлиб, замонавий бозорларда рўй бераётган ўзгаришларни акс эттирувчи динамик категория эканлигини таъкидлаш зарур.

Юқорида санаб ўтилган зиддиятлар тижоратлаштириш жараёни кўп қирралигини, ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга эгаллигини ва назария ва амалиётда ривожлантиришга муҳтожлигини исботлайди. Шундай қилиб, тижоратлаштириш амалий аҳамиятга эга назарий қарашларнинг қайта кўриб чиқилиши ва шакллантирилиши керак бўлган жараён, деган хулосага келиш мумкин [4].

Ўзбекистонда фақатгина ушбу соҳада фаолият олиб бораётган давлат ва бошқарув органи вакилларининг мазкур тизим бўйича амалдаги шарт-шароитлар асносида тижоратлаштириш жараёни босқичлари ишлаб чиқилган. “Буюк Келажак” халқаро нодавлат нотижорат ташкилоти эксперти Йўлбарсхон Мансуров тижоратлаштириш жараёни босқичларини белгилаган (1-расм).



1-расм. Тижоратлаштириш жараёни босқичлари


Тижоратлаштириш босқичлари Ўзбекистондаги воқеликка мос тарзда тузиб чиқилган. Тижоратлаштиришнинг қўйидаги механизмлари мавжуд: интеллектуал фаолият ишланмаси ёки натижасини лицензия келишуви асосида тўғридан-тўғри сотиш, инновацион компания ташкил этиш, маҳсулотларни ишлаб чиқувчиларга сотиш [6].

Халқаро тажрибада назариячи-олимларнинг “Тижоратлаштириш” категориясига оид турли карашларини ўрганиб чиқиб, В.И.Мухопад берган таъриф бўйича у мулкчилик объектини (бизнинг мисолимизда инновацияни) савдо орқали фойдага айланиш жараёни [7] эканлигини таъкидлаш лозим.

Дж.Козметский тижоратлаштиришни илмий тадқиқотлар ва тажриба-конструкторлик ишланмалар натижаларини бозорда ўз вақтида инновацион маҳсулотлар ва хизматларга айлантирадиган жараён сифатида тавсифлайди [8]. Е.А.Монастырный ва Я.Н.Грик тижоратлаштириш тавсифини инновацияларни сотишдан ёки уларнинг ўз ишлаб чиқаришида фойдаланишдан олинган фойда сифатида белгилайдилар [9].

Инновацияларни тижоратлаштириш - инновациялар учун молиявий ресурсларни ажратиш ва уларнинг сарфланишини босқичма-босқич назорат қилиш жараёни бўлиб, у саноатда тугалланган, ўзлаштирилган янгиликларни бериш ва баҳолашни ўз ичига олади [10]. Юқоридаги фикрларни ҳисобга олган ҳолда, тижоратлаштиришни инновацияларни бозорга чиқариш жараёни, яъни инновацион маҳсулотларни истеъмолчиларга етказиш, деб белгилаш мумкин. Мазкур жараённинг барча иштирокчиларини икки тоифага бўлиш мумкин -


инновацияларни ишлаб чиқувчилар ва уларнинг харидорлари (инвесторлар) (2-расм).



2-расм. Инновацияларни тижоратлаштиришда иштирокчилар таснифи

2-расм таҳлили шуни кўрсатадики, инновацияларни тижоратлаштириш жараёнининг яна бир иштирокчисини, яъни инновацияларни ишлаб чиқарувчилар ва уларнинг харидорлари ўртасида воситачилик вазифасини бажарадиган тузилмалар инновацион марказлар, инновациялар трансфери ва тижоратлаштириш марказлари, консалтинг фирмалар ва бизнес-инкубаторларни ажратиш лозим. Санаб ўтилган барча ташкилотлар турли хил хизматларни (брокерлик, консалтинг ёки юридик), шу жумладан, ишлаб чиқарувчиларнинг интеллектуал мулки билан ишлаш, уни ҳимоя қилиш ва бозорга чиқаришни таъминлайдиган хизматларни кўрсатадилар.

Инновацияларни тижоратлаштириш жараёни бир неча кетма-кет босқичларни ўз ичига олади (3-расм).



3-расм. Инновацияларни тижоратлаштириш жараёни

3-расмга кўра, **биринчи босқичда** ғоялар баҳоланади ва бозорга олиб чиқиш учун ичидан энг истиқболлиги танланади. Бу ҳолат агар корхона бир вақтнинг ўзида бир нечта инновацион маҳсулот ёки хизматларни ишлаб чиқса кузатилади. Мазкур баҳолаш қуйидаги мезонлар бўйича экспертиза орқали амалга оширилади:

1) инновациялар имконияти, ушбу инновацион маҳсулотга жамиятда бўлган талаб даражаси;

2) потенциал харидорнинг инновацион маҳсулотга ёки хизматга бўлган талаби (бозорнинг муайян сегментида);

3) инновацион маҳсулотни сотишдан олинadиган потенциал иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари (қоплаш муддати, соф жорий қиймат, даромаднинг ички меъёри ва бошқалар).

Тижоратлаштириш жараёнининг **иккинчи босқичи** зарур бўлган молиявий ресурсларни тўплашдан иборат. Фақат баъзи инновацион корхоналардагина инновацияларни молиялаштириш учун етарли ўз маблағлари мавжуд. Шунинг учун тижоратлаштириш жараёнининг иккинчи босқичидаги асосий вазифа инвесторни жалб қилиш ҳисобланади.

Учинчи босқичда яратилган инновацион товарлар ёки хизматларга бўлган ҳуқуқларни мустаҳкамлаш ва кейинчалик уларни тижоратлаштириш жараёнининг барча иштирокчилари ўртасида тақсимлаш амалга оширилади.

Инновацион фаолият натижаларини тижоратлаштириш жараёнининг охириги – **тўртинчи босқичи** инновацияларни ишлаб чиқишни ташкил этиш, уларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш ва керак бўлганда келгусида қайта ишлашни ташкил қилишни ўз ичига олади [11].

Инновацияларни тижоратлаштириш жараёнини белгилаб берувчи инновацион фаолият ривожланишидаги қуйидаги жаҳон тенденцияларни ажратиш мумкин:

- патент ва маълумотли характерга эга тадқиқотлар фаоллик даражасининг ошиши. Инновацияларни тижоратлаштиришда ташқи омилларни ўрганиш учун асос бўладиган патент ва ахборот тадқиқотларини ҳисобга олган ҳолда инновацияларни ривожлантириш жараёнида амалга оширилиши лозим бўлган инновациялар, рақобатчилар, истеъмолчилар ва бозорлар тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш;

- инновацион фаолият иштирокчиларини рағбатлантириш даражасининг ошиши ва инновация соҳасидаги кадрларнинг таҳлил қилиниши. Қиймат объектлари бўлмиш ходимларнинг билими, уларнинг етакчилик қобилиятлари, тадбиркорлик ва бошқарув кўникмалари, ижодий қобилиятлари, муаммоларни ҳал қилиш маҳорати йиғиндиси сифатида интеллектуал активларнинг ривожланиши тижоратлаштириш объекти ҳам бўлиши мумкин (масалан,

аутсорсинг жараёнида). Аммо инновацион соҳада ишлайдиган ходимни ишдан бўшатиш, нафақат корхона интеллектуал капиталининг бир қисмини йўқотишини, балки мутахассис рақобатчилар корхонасига ўтганда жиддий зарар кўришини ҳам англатиши мумкин;

- инновацияларни бошқаришда лойиҳавий ёндашувга бўлган эътибор кучайиши, яъни инновацияларни тижоратлаштириш шакллари танлашни белгиладиган, инновацияларни амалга оширишдан даромад олишни ўз ичига оладиган, инвестицияларни қоплашнинг ягона манбаи бўлган ўз-ўзини қоплаш тамойилини амалга оширишни кўзда тутадиган ёндашув;

- инновацион корхоналарда тизимли ички технологик аудитнинг ташкил этилиши. У бутун ташкилот ва унинг бўлинмаларида мавжуд турли номоддий активларни баҳолашдан иборат. Бу эса инновацияларни тижоратлаштиришнинг ички имкониятларини белгилаб беради;

- илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари (ИТТКИ) соҳасида ҳамкорликнинг шаклланиши, харажатлар ва рискларни тақсимлашга, инновацияларни тижоратлаштиришда натижалар ишончилигини оширишга имкон берадиган интеллектуал ресурсларнинг мақсадли ўсишига қаратилган стратегик тузилмалар ва консорциумларни ташкил этиш;

- корхоналарнинг инновацион фаолиятини қўллаб-қувватловчи институтларнинг ривожланиши, чунки улар инновацияларни яратишда ва кейинчалик тижоратлаштиришда катализатор вазифасини бажарадилар;

- корхонанинг инновацион фаолиятига функционал-қиймат таҳлилини (ФҚТ) ва бенч-маркетинг усуллари жорий этилиши. ФҚТ усули инновацион маҳсулотнинг алоҳида қисмлари нафлилиги ва уларни амалга ошириш учун харажатлар ўртасидаги нисбатни аниқлаб, амалга ошириш режалаштириладиган инновацияни батафсил техник-иқтисодий таҳлил қилишдан иборат. У аслида янгиликларни тижоратлаштириш учун мавжуд шарт-шароитларни аниқлашга қаратилган. Бенчмаркинг эса инновацияларни тижоратлаштириш шакллари такомиллаштириш билан бевосита боғлиқдир ва инновацион фаолиятни амалга оширишнинг энг яхши намуналарини тизимли излашдан иборат;

- инновацион жараёнлар тезлигининг ошиши ва ахборот технологияларидан фаол фойдаланиш орқали уларни сотиш кўламининг кенгайиши. Ахборот инқилоби натижасида иқтисодий чегаралар кўчирила бошлади. Бу эса, инновацион корхоналарга ўз миқдорлари, мавжуд бўлган патент-ахборот ресурслар ҳажмини сезиларли даражада кенгайтиришга ва турли битимлар бўйича музокараларни жадаллаштиришга имкон берди, интеллектуал мол-мулк объектлари ва инновацияларни тижоратлаштириш усуллари кенгайтирди;

- инновациялар соҳасида контроллинг усули асосида қарорларни қабул қилиш жараёнига кўмаклашиш. У инновацияларни тижоратлаштиришда

режалаштирилган ва ҳақиқий даромадлар ва харажатлар даражасини баҳолашга имкон берди [12].

Инновацион фаолият объектларини тижоратлаштириш шарт-шароитлари қуйидаги тамойилларга асосланади:

1) инновацияларга бўлган ҳуқуқларнинг мутлақлиги тамойили. Унга асосан инновация эгаси ўз хоҳишига кўра, ҳар қандай инновацион фаолият натижалари билан қонунчиликка зид бўлмаган ҳолда фойдаланиши ва бошқалар томонидан бундай фойдаланишни тақиқлаши ёки рухсат беришини ўз ичига олади;

2) инновацион ишланмалар натижаларини пировард тижорат натижасига етказиш;

3) инвесторлар учун инновациялар тўғрисидаги маълумотларнинг ишончлилиги ва тўлиқлиги тамойили;

4) олий таълим муассасалари ва илмий ташкилотларнинг илмий-тадқиқот фаолияти натижаларини тижоратлаштириш механизмларини ҳуқуқий режалаштиришда қонунчилик талабларига риоя қилиш тамойили;

5) инновацияларни жорий этган ташкилотнинг ҳам, ушбу фаолият турининг самарасини сезадиган жамиятнинг манфаатларини ҳам кўзда тутиш тамойили;

6) мос ғояларни баҳолаш ва танлашда тижоратлаштириш жараёнининг иштирокчилари ташаббускорлиги ва ишончли ҳамкорлиги тамойиллари;

7) тижоратлаштириш объектлари, албатта, янгилик бўлиши тамойили;

8) инноваторларни маънавий ва моддий рағбатлантириш тамойили;

9) инновацияларнинг рақобатбардошлиги тамойили: инновацион фаолият объектларини тижоратлаштириш салоҳиятини баҳолаш (инновациялар харажатларни келтириб чиқаради, уларни ушбу янгиликнинг фойдаланувчилари оладиган самараси билан таққослаш лозим);

10) ўзаро манфаат тамойили. У интеллектуал мулкни сотишдан ҳам, уни сотиб олишдан ҳам фойда олишни кўзда тутди ва бошқа корхоналар бизнесининг самарадорлигини оширишга имкон беради;

11) тижоратлаштириш жараёнларининг ахборот шаффофлигини таъминлаш тамойили, уларнинг самарадорлигини назорат қилиш.

Инновацион корхоналар учун инновацияларни бозорга чиқариш жараёнида тижоратлаштириш усулини танлаш муҳим ҳисобланади. Ҳар бир янгилик ноёб бўлиб, маълум муаммоларни ҳал қилиш учун яратилган. Шу сабабли корхоналар ушбу муаммоларга жиддий ёндашишлари керак.

Инновацион маҳсулотлар ёки хизматларнинг ноёблиги корхоналарга ушбу жараёнга ўзларининг ёндашувларини шакллантириш зарурлигини тақозо

этади. Шу муносабат билан инновациялар самарали сотилиши учун корхоналар тижоратлаштириш усулини танлашга алоҳида эътибор беришлари керак. Халқаро тажрибада инновацияларни тижоратлаштиришнинг учта асосий усули мавжуд. Буларга инновациялардан мустақил фойдаланиш, уларга бўлган ҳуқуқларни қисман бошқаларга ўтказиш ёки тўлиқ ўтказиш киради [13].

Мазкур тижоратлаштириш усуллариининг ҳар бири инновацион йўналтирилган корхоналарга янгиликларни амалга ошириш учун яхши имкониятлар очиб беради. Ташкилот тижоратлаштириш жараёнининг барча босқичларидан мустақил равишда ўтиб, ўз инновацияларини бозорга олиб чиқиши мумкин. Агар янгилик ускуна кўринишида бўлса, корхона уни ишлаб чиққандан кейин нафақат сотишдан фойда олиши, балки ускунани лизингга бериш имкониятига ҳам эга. Агар инновация ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлса, корхона бошқа ташкилотларга турли хил хизматларни кўрсатиши мумкин (масалан, инжиниринг хизматларини).

Шу билан бирга инновацион фаол корхона инновацияга олинган лицензияни сотиши ёки инновацияни “ижарага” (франчайзинг шаклида) бериши. Ташкилот ўз ходимини малака оширишга ёки хизмат сафарига юбориши (масалан, шерик корхонага), у ерда у ишлаб чиқариш сирларини очиши мумкин. Инновацион корхона инновацияларга бўлган ҳуқуқларини сотиб ушбу фаолият соҳасини умуман тарк этиш ёки ҳуқуқларни сақлаб қолиш ёхуд тўлиқ топшириш билан инновацион товарлар/хизматларни ишлаб чиқариш учун буюртмачи билан шартнома тузиш ҳуқуқига эга.

Бундай ҳолда, инновацион корхона тижоратлаштиришнинг фақат битта усулини қўллаши шарт эмас. Шу тариқа, масалан, ўз мамлакатида инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқариб, шу билан бирга чет элга лицензиясини сотиши мумкин. Бу йўлнинг ягона камчилиги - корхона учун бундай ечимнинг зарарлигидир. Шу муносабат билан, тижоратлаштириш усулини танлашдан олдин, ташкилот уларнинг ҳар бирини ўрганиши ва энг самаралисини танлаши лозим.

1-жадвалда инновацияларни тижоратлаштиришнинг муайян усуллари афзалликлари ва камчиликлари кўрсатилган [13].

1-жадвал

**Инновацияларни тижоратлаштиришнинг муайян усуллари
афзалликлари ва камчиликлари**

Тижоратлаштириш усули	Афзаллиги	Камчилиги
Мустақил қўллаш	Ишлаб чиқаришни яхши ташкил этиш шароитида, бозорни муваффақиятли эгаллашда - юқори даромад. Интеллектуал меҳнат натижаларига (интеллектуал мол-мулкка) бўлган ҳуқуқларга тўлиқ эгалик қилиш	Ўз молиявий ресурслари бўлиши зарур. Инновациялар яратувчиси учун юқори хатарлар мавжуд
Интеллектуал мулкка (инновацияга) бўлган ҳуқуқни қисман топшириш	Рискларни тақсимланиши. Харажатларнинг тақсимланиши. Бошқа корхоналарнинг бозор салоҳиятидан фойдаланиш. Ўз товар белгисини шакллантириш. Буюртмачи томонидан молиялаштириш	Инновация яратувчиси учун пастроқ рентабеллик. Муаллифлик ҳуқуқининг бузилиши хавфи. Сохта маҳсулотлар пайдо бўлишининг юқори эҳтимоли
Интеллектуал мулк (инновацияга) бўлган ҳуқуқни тўлиқ топшириш	Инновация яратувчиси учун риск ва харажатларнинг минимал даражаси. Инновациянинг аҳамияти юқори баҳоланса, юқори даромад олиш имконияти	Инновациянинг аҳамияти оқилона баҳоланмасдан даромадни ололмаслик эҳтимоли. Рақобат кучайиши хавфи ва бунинг оқибатида рақобатчилар инноваторни ушбу фаолият соҳасидан сиқиб чиқариши

1-жадвал таҳлили қуйидаги хулосага келишга имкон беради: тижоратлаштиришнинг биринчи усулида ушбу жараён муваффақиятли ўтиши учун катта ҳажмдаги молиявий, меҳнат ва вақт ресурслари талаб қилинишини ташкилот ҳисобга олиши керак. Бозор улушининг сезиларли даражада ўсиши ва инвестициялар қопланиши узоқ муддатли ёки ўрта муддатли истиқболда рўй беради. Ишлаб чиқаришни энг самарали тарзда ташкил қилган ҳолда ҳам, инновацион маҳсулотлар ёки хизматлар потенциал истеъмолчилар томонидан талабга эга бўлмаслик хавфи мавжуд.

Инновацияларни тижоратлаштиришнинг иккинчи ёки учинчи усули танланганда, корхона инновацияларни ишлаб чиқишга сарфлаган маблағларини қисқа вақт ичида қайтариб олиши мумкин. Лицензияни сотганда, корхона лицензиатга бозорнинг бир қисмини тақдим этади, роялти каби барқарор паст даромадга ва инновацияларни бозорга чиқариш учун махсус имкониятларга эга

бўлади, аммо лицензиат ҳисобидан янги бизнес майдонларини эгаллашга ҳам мувофақ бўлади. Даромад ва фойда олиш ҳар бир корxonанинг асосий мақсади эканлигини инобатга олган ҳолда, уларнинг тижоратлаштириш усулларини ўрганишда ҳар бири учун тахмин қилинаётган даромад ва харажатларни аниқлаш муҳимдир (2-жадвал) [13].

2-жадвал

Инновацияларни тижоратлаштиришда корxonанинг даромадлари ва харажатлари

Тижоратлаштириш усули	Корхона томонидан олинган даромад тури	Корxonанинг иқтисодий йўналишлари
Мустақил қўллаш	Маҳсулот сотишдан олинган даромадлар. Ускунани ижарага / лизингдан олинган даромад. Консалтинг/инжиниринг хизматларидан олинган даромад	Ишлаб чиқаришни ташкил қилиш. Маркетинг тадқиқотлари, реклама, мижозларни жалб қилиш
Интеллектуал мулкка (инновацияга) бўлган ҳуқуқни қисман топшириш	Лицензияни сотишдан олинган даромад. Роялти (патентдан фойдаланиш учун тўланадиган тўлов)	Маҳсулотларни ўзгартириш, такомиллаштириш Мижозларни (лицензиатларни) жалб қилиш. Лицензиатга ёрдам ва маслаҳат бериш. Патент ҳуқуқларини ҳимоя қилиш
Интеллектуал мулк (инновацияга) бўлган ҳуқуқни тўлиқ топшириш	Патентни сотишдан олинган даромад	Мижоз (патент харидор)ларни жалб қилиш. Ҳуқуқлар харидорига ёрдам кўрсатиш ва маслаҳатлар бериш

2-жадвал таҳлили асосида, шуни таъкидлаш керакки, инновацияларга бўлган ҳуқуқларнинг тўлиқ сотилишидан ўз ишлаб чиқаришидан олинган маблағлар билан таққослана оладиган катта ҳажмдаги даромад олиш имконияти мавжуд, аммо бунда корхона ўз фаолият соҳасини ўзгартиришга мажбур бўлади, чунки у ўз ишланмаларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўла олмайди.

Корхона инновацион ишланмаларининг мустақил равишда тижоратлаштиришда (масалан, янги ишлаб чиқаришни ташкил этишдан ёки мавжуд ишлаб чиқаришни такомиллаштиришдан) энг юқори даромад олиши шубҳасиздир, аммо бу усул жуда кўп харажатларни талаб этади, чунки у ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш, маркетинг тадқиқотлари ва рекламани амалга ошириш, инновацион маҳсулотни қайта ишлаш ва бошқаларни шарт қилиб қўяди.

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, ҳуқуқларни қисман топшириш корхонага нисбатан кам даромад келтиради, чунки у лицензияни сотиб олган шахсдан фойданинг фақат бир қисмини олиш имкониятига эга бўлади. Харажатлар эса кўп катта бўлмайди, аммо истисно ҳолатлар ҳам мавжуд. Бундай ҳолатларда харажатлар асосан мижозларни излаш ва жалб қилиш билан боғлиқ ва ҳозирги шароитда Ўзбекистонда улар бўлмаслиги ҳам мумкин. Шу сабабли корхона хорижий харидорларни излашга катта ҳажмдаги маблағни сарфлашга тайёр бўлиши керак.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ахмедов А.Д. Инновацион фаолиятни ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш. Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати ТДИУ. –Т.: 2017., 14-б.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 августдаги “Илмий ва инновацион фаолиятни интеграциялаш тизимининг самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–3899-сонли қарори.

3. Новикова Е.Н. Развитие инфраструктуры коммерциализации результатов инновационной деятельности на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Автореферат. 2015. С.4-11.

4. Матковская Я.С., Мальцева Ю.А. Коммерциализация – предмет экономической теории (является ли коммерциализация предметом экономической теории?) // Матковская Я.С., Мальцева Ю.А. // Вестник УРФУ. Серия: экономика и управление. –2010, № 5. С.4–11.

5. Зайнутдинов Ш.Н. Инновационный менеджмент. Т.: Академия, 2003. С.267; Зайнутдинов Ш.Н. Теория пять «И» или новая система факторов процветания государства. LAP LAMBERT Academic Publishing RU, 2018. С.49.

6. <https://uzanalytics.com/jamiyat/4226/>. “Буюк Келажак” халқаро нодавлат нотижорат ташкилоти эксперти Йўлбарсхон Мансуров инсон капитали, илмий ишланмалар ва Ўзбекистоннинг барча фуқаролари учун мўлжалланган инновациялар тўғрисида.

7. Мухопад В.И. Сущность, средства и проблемы коммерциализации интеллектуальной собственности в российской экономике / Мухопад В.И.//Материалы секционного заседания Третьего Всероссийского форума «Интеллектуальная собственность – XXI век» 20-23 апреля 2010 г. под. ред. Королевой Е.В. –М. :Российский государственный институт интеллектуальной собственности (РГИИС), 2010. 96с.

8. Козметский Дж. Вызов технологических инноваций на пороге новой эры общемировой конкуренции //Козметский Дж., под ред. Фонштейн Н.М. // Трансфер технологии и эффективная реализация инноваций. –М.: АНХ, 1999. –296 с.

9. Монастырный Е.А. Ресурсный подход к построению бизнес-процессов и коммерциализации разработок // Монастырный Е.А., Грик Я.Н. //Иновации. – 2004. № 7. С. 85 – 87.

10. Комков Н.И. Требования и условия оценки эффективности бизнес-инноваций в условиях рыночной конкуренции // Комков Н.И., Балаян Г.Г., Бондарева Н.Н., под. ред. Коровкина А.Г. Научные труды ИНП РАН. –М.: Макс-Пресс, 2005.

11. Тихонов Н.А. Эффективность способов коммерциализации инноваций/ Тихонов Н.А. // Управление экономическими системами. –2012, № 4. –С. 104.

12. Сурат Л.И. Анализ потенциальных возможностей коммерциализации вузовских инноваций в малых инновационных предприятиях. // Л.И.Сурат // Транспортное дело Россия. –2011. №1. С 15.

13. Ляшин А. Стратегии коммерциализации инноваций мост – между инноватором и бизнесом [Электронный ресурс // Ляшин А. // Экономика и жизнь. –2011. №36 (9402). –Режим доступа: URL: <http://www.eg-online.ru/>(дата обращения: 27.01.2012).